

Пайғамбаримиз ﷺ нинг аҳли аёлларига муомалалари



16:34 / 13.12.2023 3436

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умр йўлдош сифатидаги фазилатлари

Ислом динида оила масаласига алоҳида эътибор билан қаралган. Зеро, оила ҳар бир жамиятнинг илиги ҳисобланади. Ўзаги мустаҳкам жамиятнинг ўзи ҳам мустаҳкам бўлади.

Куйида ҳар бир ишларида намуна бўлган Зот – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умр йўлдош сифатидаги намуналарни ибрат учун эслаб ўтсак.

رَكَدَوْرَحْآلَا مَوِيْلَاوَلَلَا وُجْرِيْنَآكَ نَمْلٌ ؕ نَسَحْ ؕ وَسْأَلِلَلِ لُوسَرَّ يِفْ مُمْكَلَّ نَاكَ دَوْل
أَرِيْثَكَ لَلَا

«(Эй, имон келтирганлар!) Сизлар учун - Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарига гўзал намуна бордир» (Аҳзоб сураси, 21 оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсоният ичра хулқлари ва одоблари энг гўзал Зотдир. Аллоҳ таолонинг Ўзи бу ҳақда таъкидлаб:

مِ يَطْعُ قُلُوبَ كَلْبِ كُنَّ اِو

«Сиз энг буюк хулқ узрадирсиз», дея марҳамат қилган (*Қалам сураси, 4 оят*).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу буюк хулқлари билан оилавий ҳаёт кечирганлар ва Раббимизнинг аёллар борасидаги:

فَوُعِدَ لِبَابِ نُوْرٍ شَاعٍ و

«Улар билан яхшиликла яшангиз», деган илоҳий фармонини амалда кўрсатиб берганлар (*Нисо сураси, 19 оят*).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аҳлларига жуда меҳрибон ва раҳмли бўлганлар. Оиша онамиздан ривоят қилинади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда кетаётган эдик. Бир ялангликка етганимизда тўсатдан мунчоғим узилиб тушиб қолди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қидириш учун тўхтадилар. Одамлар ҳам тўхташди. Ҳолбуки ичишлик учун на одамларда, на бир яқин атрофда сув бор эди. Одамлар Абу Бакрнинг олдига бориб: **«Оишанинг нима қилганини кўрмайсизми?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва У зот билан бирга одамларни ҳам тутиб қолди-ку! Одамлар суви бор жойда ҳам эмаслар, ўзлари билан сувлари ҳам йўқ»**, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чарчаб тиззамга бошларини қўйиб ухлаб қолдилар. Шу пайт отам Абу Бакр розияллоҳу анҳу келиб: **«Шундай тақчиллик нозик пайти ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тўхтатасанми?»** – деб мени койидилар. Койиш асносида мени шундай турткилардиларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғониб кетмасинлар деб зўрға қимирламай ўтирардим. У зот ҳам ухлаб туриб, сувсиз бўлиб қолгандилар. Шунда Аллоҳ таоло таяммум оятини нозил қилди. Дарвоқе, Усайд ибн Хузайр: «Эй Абу Бакрнинг оиласи, сизларнинг баракангиз туфайли!» – деди. Оиша розияллоҳу анҳо сўзларида давом этиб: Кейин мен минган туяни турғизган эдик, мунчоғимни ўшанинг тагидан топдик».

(*Имом Бухорий ривояти*).

Эътибор берган бўлсангиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биргина мунчоқни деб чанқоқлик пайтида ҳам одамларни тўхтатиб уни излашга тушганлар.

У зот алайҳиссалом бирор марта бировга қўпол сўз айтмаганлар, ҳеч кимни ҳақорат қилмаганлар, қўл кўтармаганлар, қувватларини фақатгина Аллоҳнинг йўлида сарфлаганлар.

Бир куни сафарда София онамиз минган улов орқада қолиб кетади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келганларида София онамиз йиғлаб: **«Мени секин юрадиган уловга миндирибсиз»**, - дейдилар. Набий алайҳиссалом эса онамизнинг кўз ёшларини артиб, юпатдилар.

(Насайи ривояти).

Пайғамбаримизнинг ўз аҳли аёлларига нисбатан муомалалари худди шундай меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан йўғрилган эди.

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганларида Оиша розияллоҳу анҳонинг баланд овозда гапираётганлигини эшитди ва яқин келиб: **«Эй Умму Румоннинг қизи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурда ҳам овозингни баланд қиласанми?!»** - дея койидилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ораларини ажратдилар ва кетгач: **«Сен билан ҳалиги кишининг орасини ажратганимни кўрдингми?»** - дедилар. Бироз вақт ўтгач Абу Бакр розияллоҳу анҳу қайта келиб, киришга изн сўраганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизни кулдириб ўтирган эдилар. Шунда Абу Бакр розияллоҳу анҳу: **«Жанжалларингизга шерик қилганингиздек, қувончингизга ҳам мени қўшинглар»**, - дедилар.

(Имом Аҳмад ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барчага бир хил гўзал муомалада бўлганлари каби аҳли аёллари билан ҳам ана шундай намунали ҳаёт кечирганлар. Бугунги кунда ҳар биримиз У зотдан ўрнак олсак, жамиятимиз қандай ҳам гўзал ва фаровон бўлар эди!

Жалолиддин домла Ҳамроқулов

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*